



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№8 (961)

2026 йил 13 февраль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Янги хонадон  
барча учун  
катта хурсандчилик



## UzBuild

### қурилиш соҳасида муҳим мулоқот платформасига айланмоқда

Жорий йилнинг 10-12 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ўтказилган Ўзбекистон қурилиш ва интерьер ҳафталиги мамлакат қурилиш саноатининг бугунги ҳолати ва истиқболини яққол намоён этган айриқ санат платформасига айланди.

**Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этган қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир ўринбосари Давронжон Адиллов куйидаги фикрларни билдирди:

"UzBuild 2026" кўргазмаси бугунги кунда нафақат замонавий қурилиш материаллари, технологиялари ва инновацион ечимларни намоён этиб бериш майдони, балки соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижалари ва келгуси устувор йўналишларни ўзаро уйғунлаштирадиган муҳим мулоқот платформаси ҳисобланади. Айнан шу жиҳатдан ушбу

кўргазма сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда Президентимиз бошчилигида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси барқарор ривожланиш босқичига чиқди. Бу жараёнда шаҳарсозлик сиёсати, уй-жой қурилишини техник меъёrlаш ҳамда давлат назоратида рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, кўргазмада намоён этилаётган қурилиш материаллари ва технологиялари аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида давлат дастурларининг амалий ижросида муҳим ўрин тутди.

Iteca Exhibitions компанияси ва ҳамкорлари томонидан ташкил этилган ушбу ҳафталик ўз ичига бир нечта тадбирларни қамраб олди. Булар – "UzBuild 2026" 27-Халқаро қурилиш кўргазмаси, ихтисослаштирилган "BuildTech 2026" кўргазмаси ҳамда ICCI халқаро анжуманидир. Мазкур тадбирда 22 давлатдан 450 та компания ва бренд иштирок этгани Ўзбекистон қурилиш бозорининг халқаро миқёсда тобора жозибадор тус олаётганидан далолат беради. Хусусан, бу йилги кўргазмада хорижий иштирокчилар улуши 79 фоизни ташкил этгани соҳада ташқи инвестиция ва технологик ҳамкорликка эҳтиёж юқори бўлганини аниқлатади.



▲ Кўргазманинг очилиш маросимидан лавҳа.



## ЯНГИ ҚАРОР

### уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади

**Озода ЖўРАЕВА,**  
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир ўринбосари.

Давлатимиз раҳбарининг "Кўп квартиралли уйларнинг бошқариш тизimini янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда кўп квартиралли уйларни бошқариш тизimini сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар қамровини ошириш, молиявий интизом ва шаффофлиқни таъминлаш, шунингдек, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

**Қарор билан кўп квартиралли уйларни бошқариш тизimini такомиллаштириш бўйича қўйидаги мақсадли кўрсаткичлар белгиланди:**

- марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган 1 032 та кўп квартиралли уйнинг энергия самарадорлигини ошириш;
  - мажбурий бадал тўловлари ва умумий мол-мулкни ижарага беришдан тушадиган маблағлар ҳисобини тўлиқ шаффоф тизимга ўтказиш орқали дебитор қарздорлиқни камида 80 фоизга камайтириш;
  - бюджет маблағлари ва халқаро молия институтлари иштирокида 10 мингга оғир ҳолатдаги кўп квартиралли уйнинг техник ҳолатини босқичма-босқич яхшилаш;
  - соҳадаги барча жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш.
- 2026–2030 йилларда халқаро молия институтларининг 200 миллион АКШ доллари маблағлари ҳисобидан марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган уйларни мукамал

таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, 2026–2027 йилларда республика бюджетидан 1 триллион сўм ажратилиб, кўп квартиралли уйларни таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларда инфратизимни ривожлантириш ишлари олиб борилади. 2026 йилда эса 1991 йилгача қурилган кўп квартиралли уйларнинг электрон паспортлари ишлаб чиқилиб, яна ахборот тизимига киритилади.

Шунингдек, кўп квартиралли уйларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ ҳудудларни обдонлаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Мазкур ишлар маҳаллий Кенгашлар қарори асосида шакллантирилиб, ҳар бир лойиҳа ҳудуд хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда уларнинг амалга оширилиши депутатлар томонидан жойларда мониторинг қилиб борилади.

Қарорда аҳоли яшаш муҳитини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида 2026–2027 йилларда ажратиладиган маблағларнинг камида 10 фоизи кўп квартиралли уйларнинг туташ ҳудудларида дарахт ва буталар экиш, сугориш тизimini ташкил этишга йўналтирилади. Барча экилган дарахтлар хатловдан ўтказилиб, улар ҳақидаги маълумотлар "Менинг уйим" ахборот биллинг тизимида юритилади. Кўп квартиралли уйлардаги марказлашган ичимлик суви истеъмолчиларига дарахт ва буталарни сугориш ишларини ҳисоблагичлар ўрнатган ҳолда сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширишга руҳсат берилади.

Қарорнинг энг муҳим йўналишларидан бири – "Менинг уйим" ахборот биллинг тизimini такомиллаштириш орқали барча жараёнларни рақамлаштиришдан иборат.

**Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига**

## "Чокардиза" да ишлар авжида

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд нафақат ўзбек халқи, балки бутун ислом олами, қолаверса, дунё цивилизациясига бебаҳо хизмати сингган муқаддас шаҳар ҳисобланади. Бу кўҳна заминда яшаб ижод қилган улғў аждодларимиз – Имом Бухорий, ат Дорамий, Мотуридий, Маргиноний, Растуффоний, Абу Лайсий, Али Суғдий, Насафий, Амир Темур, Улуғбек, Хожа Аҳрори Вали, Маҳдуми Аъзам каби алломалар жаҳон маънавиятига ҳам муносиб ҳисса қўшганлигини фахр билан таъкидлаймиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Биргина "Чокардиза" қабристонига тўрт минг нафардан зиёд олим муҳаддис дафн этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ушбу муқаддас қадамжо IX асрда барпо этилган. 2000 йилларда қабристонда калом илмининг даҳоси Имом Мотуридий қабри борлиги аниқлангач, у ерга алоҳида эътибор қаратила

бошланди. Зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, қабр устида кўркам мақбара бунёд этилди. Давлатимиз раҳбарининг утган йили "Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муборак қадамжода реконструкция ва қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Айни пайтда "Чокардиза"да кенг қўламли бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишлари шиддат билан давом эттирилмоқда. Археологик тадқиқотларни ўтказиш ҳам бир дақиқа тўхтагани йўқ. Режага кўра, қабристон ҳудуди кенгайтирилиб, янги масжид, таҳоратхона, маъмурий бино, инновацион музей, кутубхона, автотурагоҳ, алоҳида мақбара, айвон ва бошқа қатор объектлар қуриляпти. Пудратчи ташкилот – "Samtechnostroyinvest" МЧЖнинг тўрт юз нафар яқин ишчи-хизматчиси объектни вақтида фойдаланишга топшириш мақсадида ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

– Мазкур иншоотларни тиклашда янгича ёндашув ва инновацион ечимлар қўлланилмоқда, – деди "Samtechnostroyinvest" МЧЖ иш бошқарувчиси Шерзод Камолов. – Қолаверса, қурилиш жараёнида бинокорликдаги илғор ечимлар, арзон ва сифатли қурилиш материалларидан ҳам кенг фойдаланялмиз.

Дарвоқе, бунёдкорлик ишларини тез ва сифатли амалга ошириш мақсадида хорижий мутахассислар ҳам жалб этилган. Мисол учун, лойиҳа доирасида бинолар фасад қисмини хитойлик қурувчилар, гумбазларнинг мозаика юмушларини эронлик усталар, айвон ва устунлар барпо этишга Ҳиндистон ҳамда покистонлик бунёдкорлар жалб этилган.



▲ Имом Мотуридий қадамжосида қурилиш ишлари давом этмоқда.

uzbunyodkor.uz | t.me/uzbunyodkor  
info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor  
uzbunyodkor | qurilish.today



# UzBuild

## қурилиш соҳасида муҳим мулоқот платформасига айланмоқда

→ 1 – Ушбу кўргазмани 27 йилдан буюн ўтказиб келямиз, – деди ICA Events ҳамкор компанияси бош директори Edward Strachan. – Бу йил 22 та давлатдан 400 та компания иштирок этди. Иштирокчиларнинг қарийб тўртдан бир қисми етакчи ва нуфузли компаниялардир. Шу билан бирга, бу йил учта – Туркия, Россия ва Германия давлатларининг миллий стендлари қатнашди. Шунингдек, Латвия, Эрон, Грузия, Италия давлатларидан ҳам компаниялар ўз махсулотлари билан иштирок этгани қувонарли. Қолаверса, Ўзбекистонда бизни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой ҳўжалиги вазирлигига ҳам алоҳида миннатдорлик билдирамыз. Улар кўргазманинг ахборот жиҳатидан ёритилиши ва ҳомийлик масалаларида қўллаб-қувватлаб келмоқда.

– Компаниямиз "UzBuild 2026" кўргазмасида бу йил учинчи марта иштирок этмоқда, – деди "Twin Stone" компанияси ходими Азамат Рўзиматов. – Компаниямиз 2019 йилдан буюн ўз фаолиятини олиб боради ва Германия технологиялари асосида брусчатка, тош гилам ҳамда гранит махсулотлари ишлаб чиқаради. Ҳозирда Қирғизистон ва Тожикистон билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Сабаби, бугунги кунда бизнинг махсулотларимизга бўлган талаб жуда юқори.

Шу билан бирга, хоржий давлатлар орасида иштирокчилар сони бўйича Top-5 мамлакатлар – Хитой 124 та, Россия 81 та, Германия 24 та, Туркия 22 та ҳамда Италия ва Козогистондан 7 тадан компания иштирок этди. Бу каби йирик давлатларнинг юқори иштироки эса рақобат муҳитини янада кучайтириб, сифат ва инновация масаласини кун тартибининг марказига олиб чиқди.

### Миллий ишлаб чиқарувчилар рақобат майдонида

Бу йилги иштирокчилар орасида қурилиш материаллари миллий ишлаб чиқарувчилари сонининг сезиларли даражада ошганини таъкидлаш жоиз. Улар ҳозирда ички бозорнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини муваффақиятли қондирмоқда ва шиддатли рақобат шартитида янги хоржий бозорларга чиқмоқда. Шундай экан, кўргазмада 80 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этгани ҳам алоҳида эътиборга молик. Улар опалубка, газобетон блоklar, сендвич панеллар, тош буюмлар, брусчатка, изоляция материаллари, қурилиш кимёси, эшик-ромлар, пол қопламалари, лифтлар ва эскалатор, кабель махсулотлари, фасад тизимлари ва бошқа қўллаб махсулотларни намойиш этишди.

### Технологиялар ва инновациялар намойиши

Кўргазма доирасида "BuildTech 2026" ихтисослашган бўлимининг очиқ майдон ва 1-павильонда жойлашгани қурилиш техникалари ҳамда ишлаб чиқариш ускуналарини кенг намойиш этиш билан бир қаторда, уларни амалда синаб кўриш имконини ҳам берди. Шунингдек, Германия ва Туркия миллий павильонлари илгор технологияларни тақдим этиб, замонавий ускуналар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун инновацион ечимларни намойиш этди. Қолаверса, павильонларнинг мавзулар бўйича тартиблангани ҳам таширф буюрувчиларга қулайлик яратишдан ташқари, лойиҳалашдан тортиб пардозлашгача бўлган жараёнларда керак бўладиган қурилиш материалларини ягона маконда кўриш имконини берди.



Жумладан, "Made in Russia", "Made in Latvia" ва "Made in Georgia" (Грузия) каби жамоавий стендлар эса минтақавий ва Европа бозорларидаги ҳамкорлик истиқболларини кенгайттирди.

– Корхонамиз Грузияда МЕР муҳандислиги йўналишида ишлайдиган – механик, электр ва санитария-техникалар (plumbing) соҳасидаги компанияларга вакиллик қилади, – деди "Infinity Ventures Holding" компанияси маркетинг бўйича менежери Ия Модебадзе. – Ушбу кўргазмада иккинчи бор иштирок этилди. Икки йил аввал Ўзбекистон бозорини ўрганишни бошлаганмиз ва шу вақт ичида унинг нихоятда жадал ривожланаётганига амин бўлдик. Бугунги кунда Ўзбекистон грузиялик компаниялар орасида ҳам тобора машҳур ва устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг тез ривожланаётган ва муҳим бозорлардан бири деб биламиз ҳамда бу ерда узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирямиз.

Хусусан, илк бор ташкил этилган "Made in Latvia" стенди Европа Иттифоқи компаниялари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши қутиломоқда. Шу билан бир қаторда, кўргазмада махсулотлар нафақат намойиш этилгани,

балки амалий синовдан ўтказилгани ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

### "ICSI 2026" – ғоядан амалиётгача

Ҳафталик доирасида ўтказилган UzBuild бизнес дастурининг асосий тадбири – 7-Ўзбекистон қурилиш саноати халқаро анжумани соҳада стратегик ёндашувни шакллантирган муҳим платформага айланди. Жумладан, "Янги Ўзбекистон: ғоялардан кенг қўламли ечимларгача" мавзусидаги анжуман доирасида қурилишдаги асосий тенденциялар, муаммолар ва истиқболлар муҳокама қилинди.

Анжуманда давлат идоралари, соҳа уюшмалари вакиллари, шунингдек, қурилиш бозорининг етакчи экспертлари иштирок этди. Алоҳида эътибор эса, "Янги Тошкент" лойиҳасига қаратилиб, урбанизация, инфратузилма, экологик барқарорлик ва рақамлаштириш масалалари комплекс таҳлил қилини ҳамда қурилиш эндиликда фақат бино барпо этиш эмас, балки замонавий шаҳар муҳитини яратиш жараёни эканини кўрсатди.

### UFI сертификати – халқаро сифат кафолати

UzBuildнинг 2007 йилда Жаҳон Кўргазма Саноати Уюшмаси (UFI) сертификатига сазовор бўлгани ва 2025 йилда яна аудитдан муваффақиятли ўтгани унинг глобал стандартларга мослигини таъкидлайди. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг халқаро кўргазма индустриясида мустақкам ўрин эгаллаётганини аниқлаб, инвесторлар ва иштирокчилар учун ишонч омилни кучайтиради.

Умуман олганда, Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги бўлган "UzBuild 2026" кўргазмаси мамлакат қурилиш саноатининг нафақат бугунги имкониятларини, балки эртанги стратегик йўналишларини ҳам белгилаб берган тадбир сифатида муҳим аҳамият касб этди. Замонавий Ўзбекистон қиёфаси айнан қурилиш майдонлари, янги шаҳарлар ва инфратузилма лойиҳаларида шаклланмоқда. "UzBuild 2026" кўргазмаси эса ана шу улкан ўзгаришлар жараёнининг марказида турибди. Энг муҳими, у Ўзбекистоннинг глобал қурилиш харитасидаги ўрнини янада мустақкамлашга хизмат қилмоқда.



## ЯНГИ ҚАРОР

### уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади

→ 1 Хусусан, – 2026 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳрида ва 2027 йилдан эса республиканинг барча ҳудудларидаги кўп квартиралы уйларида умий йиғилишлар ўтказиш, қарор қабул қилиш, ҳисобот юритиш ва тўловларни амалга ошириш фақат "Менинг уйим" тизими орқали бажарилади; – мажбурий тўловлар фақатгина банк карталари, электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга оширилади; – мажбурий тўловлар ҳамда умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига келиб тушган маблағларнинг алоҳида ҳисобини юритиш учун ҳар бир кўп квартиралы уйга банк ҳисоб рақами очилади; – умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига олинадиган даромадлар кўп квартиралы уйнинг банк ҳисоб рақамига мажбурий тартибда йўналтирилади ва мулкдорларнинг даромади ҳисобланади.

Ушбу объектлар лойиҳа ҳужжатларига киритилмаганда экспертизадан ўтказиш таъкидланади. Шу билан бирга, 2026 йилда бошланадиган ва давом этадиган "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилишида кўп квартиралы уйларида хизмат кўрсатишга ихтисослашган алоҳида бинолар қурилиши шартлиги этиб белгиланди.

Қарорга мувофиқ, ҳудудларда коммунал соҳани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича "Вазирлик – ҳудудий бошқарма – туман (шаҳар)" занжиридан иборат вертикал тизим жорий қилинади. Ҳудудларда "бош муҳандис" лавозимлари ташкил этилиб, уларга коммунал соҳада мувофиқлаштириш, мониторинг ва назорат ваколатлари берилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги эса мазкур соҳада ваколатли орган сифатида умумий назоратни амалга оширади.

Қабул қилинган қарор кўп квартиралы уйлари бошқаришда очиқлик ва назоратни таъминлаш ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Вазирлик томонидан мазкур қарор ижроси қатъий назоратга олинди, белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши таъминланади.

## Канализация тармоқлари янгиланмоқда

Тахياتош туманида канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Тахياتош туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу қаторда, бундан қарийб 70 йил олдин қурилган 90 та барак уй бузилиб, унда яшовчи фуқаролар янги турар жойларга кўчирилди. Бундан ташқари, жорий йилда давлат дастурларига асосан, 52 та ижтимоий ва инфратузилма объектларида умумий қиймати 316 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш белгиланган.

Хусусан, Тахياتош туманидаги канализация тизимларини янгилаш мақсадида бошланаётган мазкур лойиҳа доирасида 77,5 километрик

канализация тармоқлари ва 6 та насос станциясининг қурилиш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

– Маълумот учун таъкидлаш жоизки, мавжуд канализация тармоқлари 1951–1956 йилларда қурилган бўлиб, 15,9 километрик оқова сув тармоқларининг бугунги кунда деярли ярми (49,1 фоиз), шунингдек, 4 та насос станцияси ва 1 та оқова сув тозалаш иншооти 100 фоиз капитал таъмирга мутож ҳолатда, – деди "Қорақалпоқ сув таъминоти" АЖ директори Каллибек Халмуратов. – Оқова сувлар ҳозирги вақтда 1989 йилда қурилиши тугалланмаган, биологик тозаланиш таъминламайдиган биоҳовусларга юборилмоқда. Қуввати 7,2 минг м<sup>3</sup>/сутка бўлса-да, амалда талабларга жавоб бермайди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида Жаҳон банки иштирокида Нукус, Тахياتош ва Ҳўжайлида оқова сув тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси амалга ошириляпти.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши натижасида туман аҳолисининг канализация таъминоти ҳозирги 13 фоиздан 42 фоизга етказилади. Шунингдек, канализация тармоқларидан йиғилган сув қайта ишлаш орқали техник ва ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли сувга айлантирилади ва фуқароларнинг томорқа ерларига етказиб бериш йўлга қўйилади.



Нукус шаҳрида канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига старт берилди. 50–60 йил олдин қурилган Нукус шаҳрининг канализация тармоқларини янгилаш орқали аҳолини қийнаб келган муаммо ўз ечимини топади.

Лойиҳа доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 486-сонли қарори асосида Жаҳон банкининг 78 миллион доллар маблағлари ҳисобидан Нукус шаҳри, Тахياتош ва Ҳўжайли туманларида 286 километр канализация тармоқлари ва объектларида қурилиш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Айни пайтда Нукус шаҳрининг канализациясини янгилаш мақсадида бошланаётган лойиҳа доирасида 193,5 километр канализация тармоқлари ва 25 та насос станциясининг қурилиш ишлари бошланмоқда. Ушбу лойиҳа натижасида шаҳар аҳолисининг канализация таъминоти 27,6 фоиздан 46 фоизга етказилади.

Шунингдек, канализация тармоқларидан йиғилган сувлар қайта ишлаш орқали техник ва ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли сувга айлантирилади ва аҳолининг томорқа ерларига етказиб бериш йўлга қўйилади. Яқин кунлар ичида Ҳўжайли ва Тахياتош туманларида ҳам ушбу қарор доирасида канализация тармоқларини янгилаш ишлари бошланади.



▲ "Янги Ўзбекистон" массиви.

## Янги хонадон барча учун катта хурсандчилик

Бугун мамлакатимизда уй-жой масаласига ижтимоий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралапти. Аҳоли сони ортиб бораётган шаҳарлашув жараёнлари эса жадаллашаётган шароитда замонавий ва қулай турар жойларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда.

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Статистик маълумотларга қараганда, 2025 йил ҳолатига қўра, мамлакатимизда оилалар сони 10 миллиондан ошди. Уй-жойга талаб юқорилиги сабаб тақлиф ҳам кўпайиб бормоқда. Натижада уй-жой қурувчилик сектори на-

фақат гигант девелоперлар, балки ўрта ва кичик қурилиш компаниялари ҳам шиддат билан кириб келди. Бугунги кунда янги турар жойлар замонавий меъморчилик талаблари асосида сейсмик ҳавфсизлик, энерготехжамкорлик ва экологик меъёрларга мос тарзда қуришмоқда. Уларнинг атрофида болалар ва спорт майдончалари, яшил ҳудудлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилиб, аҳоли кундалик эҳтиёжлари бир жойнинг ўзига таъминланяпти. Бу эса фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун қулай муҳит яратмоқда. Айниқса, кўп қаватли уйларнинг барпо этилиши шаҳарсозлик маданиятини янги bosқичга олиб чиқмоқда. Замонавий лифтилар, автотураргоҳлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари аҳоли учун қулайликлар доирасини янада кенгайтирмоқда. Бу эса оилаларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилапти.

Пойтахтдан воҳаларгача, воҳадан воҳидига-ча бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида янги

Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда. Фарғона вилояти Фарғона туманида бунёд этилган "Янги Ўзбекистон" массиви эса сўзимизнинг яна бир исботи. Бу нафақат замонавий бунёдкорлик намунаси балки шу ҳудуд аҳолисининг катта хурсандчилиги ҳам дегани.

Фарғона тумани "Янги аср" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Янги Ўзбекистон" массивида жами 32 та 1325 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда 11 та кўп қаватли турар жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳолиялиси, бу массивда барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. 50 қатновга мўлжалланган поликлиника, 2 та 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 190 ўринли умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. Бугун улар бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларига хизмат қилапти.

Янги хонадон барча учун катта хурсандчилик. Аммо тан олиш кераки, 8 йил нари бери-сида битта уйда уч-тўрт оилалар яшагача мажбур бўлган бўлсалар, турли ҳудудларда бу каби янги уй-жойларнинг пайдо бўлиши шундай оилаларнинг узок йиллик орзуларини рўйбга чиқармоқда.

Давлат томонидан уй-жой қурилиши соҳасини қўллаб-қувватлаш, ипотека дастурларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳоли учун янги имкониятлар яратмоқда. Қўллаб оилалар учун бу ўз уйига эга бўлиш сари ташланган муҳим қадамдир. Айниқса, ижтимоий ҳимоя муҳтож қатламлар учун мўлжалланган лойиҳалар бу йўналишдаги ишлар аҳолиятини янада оширмоқда.

Бугун турар жой масаласи фақат қурилиш билан боғлиқ жараён эмас. У аҳоли бандлиги, ҳудудлар ривож, хизматлар сифати ва умуман олданда, яшаш маданиятига бевосита таъсир кўрсатадиган омил. Янги уй-жойлар барпо этилиши билан бирга янги иш ўринлари ҳам яратилмоқда. Ижтимоий инфратузилма ривожланмоқда.

Охири 7-8 йилда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида рекорд даражада янги уй-жойлар қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилган бўлса-да, бироқ Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида таъкидланганидек, бу ҳали етарли эмас. Марра баланд бўлса бўляптики пасайгани йўқ, 2026 йилда яна 140 минг хонадонли уй-жой қуриш давлатимиз раҳбари томонидан топшириқ қилиб берилган. Уй-жой ипотекасига жорий йилда 23 триллион сўм ресурс ажратиш белгиланган.

Ҳар бир йил ушбу кўзланган натижалар, бунёдкорлик ишлари Фарғона вилоятида яшовчи олдий инсонлар ҳаётида кўринаётгани қувонарли. Демак, бу йилдаги эзгу мақсадга ҳам, албатта, эришилади.



▲ Фарғона шаҳридаги "Есо парк"

## Жамоат транспорти кўпаймоқда

Бухоро шаҳрида жамоат транспорти фаолиятида "Брутто-шартнома" тизими йўлга қўйилгани ташувчи корхоналар ва йўловчилар учун қатор қулайликлар яратмоқда. Вилоят транспорт бошқармаси мутахассисларининг таъкидлашича, жорий ойда Хитой Халқ Республикасидан навбатдаги "Yutong" автобуслари келтирилади.

**Зулфизар МАВЛОНОВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Таъкидлаш жоизки, мазкур русумдаги транспорт воситаларини харид қилиш жараёни бир неча йилдан буён давом этмоқда. Хусусан, 2019 йилда 65 та, 2025 йилнинг бошида эса 25 та ана шундай автобус йўналишларга қўйилган эди. Ташаббускор тадбиркорлар томонидан ўтган 2025 йил давомида хоржидан 116 та янги автобус ва 45 та микроавтобус олиб келингани соҳалаги ижобий кўрсаткичлардан биридир. Айни пайт-



▲ Бухоро вилоятидаги автобус парки.

да Бухоро шаҳрининг ўзида брутто йўналишлари сони 7 тага етиб, уларда 84 та замонавий автобус аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Тизимнинг самарали ишлаши учун ташувчи корхоналарга давлат бюджетидан 33,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Янги автобусларнинг техник имкониятлари юқори бўлиб, улар "Евро-5" стандарти талабларига жавоб беради ва табиий сиқилган газда ҳаракатланади. Бу эса экологик тозаликни сақлашга хизмат қилади. Автобусларда йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам инобатга олиниб, салонлар тўлиқ қурутув камералари билан жиҳозланган. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойидан

бошлаб "АТТО" тизими орқали йўл қира ҳақини нақд пулсиз, электрон шаклда тўлаш имконияти йўлга қўйилди.

Режага қўра, жорий йилнинг март ойи якунига қадар Бухорога яна 60 та янги автобус олиб келиниши кутилмоқда, - деди Бухоро вилояти Транспорт бошқармаси бош мутахассиси Умид Бахронов. - Жумладан, шаҳар ичида ҳаракатланишга мўлжалланган катта ҳажмдаги 12 та автобус харид қилиш бўйича шартнома имзоланган. Йил якунига қадар вилоятдаги жамоат транспорт паркни яна 100 дан ортиқ замонавий техника билан бойитилиши кутилмоқда.

### Назорат

## Сув захираларини асраш – инсоний бурчимиз

Олимлар сайёраимиздаги илк тирик мавжудотлар сувда пайдо бўлганини таъкидлашади. Миллион йиллардан буён сув тириклик эволюциясига ҳам, Ер сайёрасининг географик шакли юзасига ўзгаришларига ҳам беқиёс таъсир кўрсатиб келмоқда. Сувсиз ҳаёт йўқ. Уни инсоният кўз қорачигидек асрашга мажбур.



**Ойбек ТОЙИРОВ,**  
Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси шўъба бошлиғи.

"Бутунжаҳон сув захираси кунини нишонлаш тақлифи дастлаб 1992 йилда БМТнинг "Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ривожланиш" мавзусидаги халқаро конференциясида илгари сурилган. 1993 йил 22 февралда эса БМТ Бош Ассамблеясининг бу ҳақдаги махсус резолюцияси қабул қилинган. Резолюцияда барча ижтимоий-иқтисодий фаолият сув ва унинг сифати-га сезиларли даражада боғлиқ бўлгани ҳолда, ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланган. Шунингдек, кўплаб давлатларда иқтисодий фаолиятнинг кенгайтириш натижасида исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, сув захираларини асрашга, ундан тежамкорлик билан фойдаланишга жамиятнинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро даражада оғоҳликка чақириш зарурати вужудга келгани қайд этилган.

Таъкидлаш ўринлики, сайёраимиз экотизимида беқиёс аҳамиятга эга бўлган сув захираларига инсониятнинг салбий таъсирини чеклаш орқали нафақат иқлим ўзгариши билан боғлиқ, балки бошқа кўплаб глобал муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин. Аммо sanoat ва ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш натижасида бу салбий таъсир йилдан йилга кучаймоқда. БМТ маълумотларига қўра, ҳозирги кунда деярли 80 фоиз оқова сувлар тозаланмасдан дарё ва денгизларга, ҳатто чучук сув ҳавзаларига оқизилмоқда. Бу эса, шундоқ ҳам чекланган ичимлик суви захирасининг янада қисқаришига олиб келмоқда.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли пунктларида "Ичимлик

сувини асраш ва уни келажақ авлодга етказиш" мавзусида жорий йилнинг январь ойида 36 та тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирлар давомида ичимлик сувининг инсон ҳаётидаги ўрни, исрофгарчиликнинг салбий оқибатлари ҳамда келажақда юзага келиши мумкин бўлган сув танқислиги ҳамда ноқонуний ҳолатлар бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланганига аҳолига тўшунтирилди.

Бугунги кунда "Навоий сув таъминоти" АЖ томонидан вилоятнинг 985 минг аҳолиси марказлашган ва 134 минг аҳолиси альтернатив ичимлик сув манбалари (шу жумладан, блоқ, қудуқ, дарё, сой, канал, ҳовуз ва ташиб ичлади) орқали ичимлик суви билан таъминланган. Вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига 87,9 фоизни ташкил этмоқда.

Булардан ташқари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси томонидан 2025 йилнинг 11 август санасида қабул қилинган "Маҳаллаларда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда ваколатли органларга хабар бериш тўғрисида"ги қўша қарор ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган режа асосида январь ойида 24 та МФЙда ўрганиш ишлари олиб борилиб, аҳолининг фикр ва эътирозлари тингланди.

Шунингдек, инспекция хондмлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида аҳолининг тоза ичимлик сувини исроф қилиш ва ўзбошимчилик билан уланиш олиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Хусусан, 2026 йилнинг январь ойида 18 та ҳолатда ичимлик суви тармоқларига ноқонуний уланишлар ва 4 та ҳолатда ҳисоблагич тамгаларига қасддан шикаст етказганилик ҳолатлари аниқланиб, бу бўйича МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан маъмурий жарималар расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, истеъмолчилар ичимлик сувидадан оқилана ва тежамкорлик билан фойдаланиши, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун рухсат этилган нуқталарга уланиши шарт. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 163-моддасига қўра, сув таъминоти тармоқларига ўзбошимчилик билан уланганлик учун жарима қўлланилади.



**Шерзод АМЕТОВ,**  
Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Агар бу ҳаракатлар катта миқдорда иқтисодий зарар келтирган бўлса, Жиноят кодексининг 169-моддаси ("Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш") ёки 1852-моддаси ("Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузиш") бўйича жиноий жавобгарлик ҳам белгиланиши мумкин.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтган йил давомида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 447 та ноқонуний ҳолат аниқлан-

ди. Жумладан, 370 та ичимлик сув таъминоти, 22 та оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланишлар ва 55 та ҳолатда ҳисоблагич кўрсаткичлари ўзгариши ёки назорат тамгаларига шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Натижада, қондабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 835,0 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Аниқланган ноқонуний ҳолатлар ва қондабузилишлар юзасидан 634 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 1961,0 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ўтказилган ўрганишларда ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланишлар натижасида аниқланган 8 та 893,0 миллион сўмлик ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Ичимлик суви таъминоти уланиш – бу нафақат ҳуқуқбузарлик, балки жамият манфаати-га қарши ҳаракатдир. Ҳар бир фуқаро сув ресурсларига нисбатан масъулият билан муносабатда бўлиши, қонун талабларига риоя қилиши зарур.



## Пекиндан Тошкентгача 22 кунлик саёҳат

Британиянинг Golden Eagle Luxury Trains компанияси 2026 йилга мўлжалланган The Great Silk Road by Train номли янги эксклюзив маршрутани эълон қилди.

22 кунлик саёҳат Пекиндан Тошкентгача давом этиб, Хитой, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон худудлари орқали ўтади. Қарийб 3860 километрлик йўналиш тарихий мерос, маданий бойлик ва табиий манзараларни бир сафарда мужассам этади.

Маршрут доирасида сайёҳлар Пекиндаги Таққиланган шаҳар ва Буюк Хитой деворини томоша қилади, Марказий Осиёда эса Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарлар билан танишади. Дастурга Гоби чўлида туя сайри, профессионал гидлар иштирокидаги экскурсиялар ва маҳаллий маданият билан чўкур мулоқот ҳам киритилган.

Бироқ ушбу саёҳатнинг асосий фарқи – йўлнинг узиди.

### Гастрономик саёҳат: таъмлор орқали кашфиёт

Golden Eagle Silk Road Express бортида ошхона концепцияси алоҳида аҳамиятга эга. Компания фалсафасига кўра, маданиятнинг энг чўкур ифодаси – таомларда намоён бўлади.

Поездда иккита ресторан вагон мавжуд. Ғарб услубидаги ресторан silver-service аънасида хизмат кўрсатади ва банкет форматда овқатланиш имконини беради. Хитой услубидаги ресторан эса шарқона муҳит ва сокин атмосферада маҳаллий таъмлорни табиб кўриш имкониятини яратади. Менюда ғарб классикаси ва Ипак йўли минтақасига хос миллий таомлар уйғунлашган.

### Рельсдаги беш юлдузли меҳмонхона

Поезд бортида йўловчилар икки хил жойлашув турини танлаши мумкин.



Han Dynasty Suite – макон ва ҳашамат уйғунлиги. 22,2 квадрат метр майдонга эга ушбу кенг апартамент алоҳида меҳмонхона қисми, ёзув ва овқатланиш столи билан жиҳозланган. 5,2 квадрат метрлик шахсий ҳаммомда барча шароит муҳайё.

Superior Cabin – функционал нафислик. 11 квадрат метрлик кабина кундузи диванли дам олиш жойи, кечаси эса икки алоҳида ёки катта икки кишилик ётоққа айлантирилади. Шахсий ҳаммом, кондиционер, минибар ва бошқа замонавий қулайликлар мавжуд.

### Bar Car ва Observation Car: саёҳатнинг ижтимоий маркази

Поезднинг юраги – Bar Car. Нап сулоласи араваси чизикларидан илҳомланган икки эшикли кириш қисми орқали меҳмонлар кенг ва нафис маконга қадам қўяди. Бу ерда дунёга машҳур Bösendorfer пианиноси жойлашган бўлиб, оқшомларга мусиқий кайфият бағишлайди. Қадимий кумуш буюмлар ва санъат намуналари муҳитга ўзига хос тарихий руҳ беради.

Observation Car эса табиат ва люкс ўртасидаги уйғунлиқни таъминлайди. 270 даражали панорамали ойна орқали Ипак йўли манзаралари узлуksиз намоён бўлади. Егоч уймакорлиги ҳамда ички ёритиш элементлари кўнра Чанъан тарихини ёдга солади.

Саёҳат нархи икки кишилик жойлашувда тахминан 50 700 АҚШ долларидан бошланади (бир киши учун). Бунга яшаш, овқатланиш, экскурсиялар, трансферлар ва сўғурта киритилган. Биринчи рейс 2026 йил 21 сентябрдан 12 октябргача режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай лойиҳалар Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли бренди сифатидаги халқаро мавқеини мустақамлаб, мамлакатни премиум туризм бозорига янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Васила ЭТАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

### Фахрийлар

## Тарихий обидаларни сақлашга ҳисса қўшаётган устоз

▼ Ботир Шерметов.



Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Ботир Шерметов 1947 йил 7 июнда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида таваллуд топган. Урганч қурилиш техникумини Меъморий ёдгорликлар беагани таъмирлаш мутахассислиги бўйича тамомлаган. Фаолиятини оддий ишчи сифатида бошлаб, участка бошлиғи вазибаларини ҳам бажарган.

### Шерзод НИЗАМОВ, Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши раиси ёрдამчиси.

Бунёдкорлик соҳасида 40 йиллик меҳнат тажрибасига эга Б. Шерметов турли йилларда "Хоразмводстрой Хива ПМК" Кўча механизациялашган колоннада иш юритувчи, "Югтастрой" трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасида қурилиш участка бошлиғи сифатида ишлаб, юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилди. Хусусан, "Хоразмводстрой Хива ПМК" Кўча механизациялашган колоннада иш юритувчи сифатида ишлаган пайтида Хивадаги Қорақум совхозида кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, Хива силикат гишт ишлаб чиқариш заводи қурилишларида қатнашган. "Югтастрой" да

ишлаган даврида Хива, Урганч ва Хонқа шаҳарларидаги келлеклар бироғи, Урганч шаҳридаги катта спорт комплексини қуриш жараёнида фаол иштирок этган.

Фахрий устоз ҳозирда "Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" ДМнинг "Хива минтақавий реставрация маркази" давлат муассасасида Режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси вазибаларида фаолият юритмоқда. Бугунги кунда у ўз тажрибасини ёш кадрларга ўргатиб, Хива шаҳридаги меъморий обидаларни сақлаш ва капитал таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш жараёнига катта хисса қўшиб келмоқда.

Ўз соҳасининг пухта билимдон, юртимиз маданий меросини асраш бўйича кўпчиликка ибрат кўрсатиб келаётган фахрий устознинг келгусидаги ишларига зафарлар тилаймиз.

## "Zamonaviy realtor xizmati" MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич бориши тартибда ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Ўзбекистон Республикаси таъкидотчи фаолияти миллий банкни" акциядорлик жамияти Фарғона вилояти бош бошқармасининг 2026 йил 6 февралдаги 3-1/203-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

1. Фарғона вилояти, Боғдоқ тумани, Муқимий номидаги МФЙ, Кумуш тола кўчаси, 166-хонадон манзилида жойлашган **умумий ер майдони** – 1500,0 м², **қурилиш ости майдони** – 1125,45 м², **кадастр рақами** 15:01:40:02:08:0079 бўлган сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехининг бино-иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 1 675 752 300 сўм.

2. Фарғона вилояти, Боғдоқ тумани, "Бедарак" МФЙ, Амир Темур кўчаси, 226-уй манзилида жойлашган **умумий ер майдони** – 13265,0 м², **қурилиш ости майдони** – 5911,82 м², **кадастр рақами** 15:01:41:02:03:0215 бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қуришти, қайта ишлаш ва қадоқлаш цехининг бино-иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 8 376 327 500 сўм.

3. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, "Кони-зар" МФЙ, Қонизар кўчаси, 41-уй манзилида жойлашган **умумий ер майдони** – 2497,0 м², **қурилиш ости майдони** – 812,47 м², **кадастр рақами** 15:11:40:02:05:0082 бўлган хусусий шифона бино-иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 1 800 000 000 сўм.

4. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, "Шарқ" МФЙ, Нишонобод кўчаси, 104-уй манзилида жойлашган **умумий ер майдони** – 277,0 м², **қурилиш ости майдони** – 276,1 м², **кадастр рақами** 15:07:42:01:02:1273 бўлган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш бино- иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 337 500 000 сўм.

5. Фарғона вилояти, Кува тумани, "Раста" МФЙ, Қайқубод кўчаси, 78-А" уй, 4-хонадон манзилида жойлашган 3 хонадан иборат, **умумий фойдали майдони** – 131,53 м², **яшаш майдони** – 80,71 квадрат метр, **кадастр рақами** 15:07:42:01:02:1273 бўлган кўп қаватли уй-жойда жойлашган хонадон. **Бошланғич баҳоси** – 281 250 000 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 20 февраль куни online-mlk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 19 февраль куни соат 18:00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2026 йил 20 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 2026 йил 5 мартга 15 иш кун оралигида такрорий савдолари ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунин олдин соат 18:00 гача.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

**Талабдорлар юқоридаги мулкларнинг 10 фонидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб туланиди:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй.  
**Телефон:** 71- 237-23-82.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 13–16 февраль саналарида  
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Кўп хонадонли уй-жой фондиди бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти етакчи мутахассиси **Элбек Холмурзаев**, Исчилик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари **Солижон Қўшақов**, Давлат архитектура назорати департаменти етакчи мутахассиси **Жавоҳир Эргашбеков**, вазирилик кутубхоначиси **Дилраба Элибаева**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати Оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларини кўрсатилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Фарҳод Ахунوف**, Комплеанс (ички назорат хизмати) бош мутахассиси **Пўлатжон Солижонов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассиси **Шерзод Расулов**,

"Qishloqquyulishloyiha" ДМ Махсус қисм бўлим бошлиғи **Раъно Мингалиева**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ қорхона бош муҳандиси **Фаррух Тўйчиев**, ИКТ муҳандиси **Руслан Холниязов**,

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ Махсус қисм инспектори **Нодира Ботирова**, ОИСК инженери **Исроил Азимов**, ООПР қоровули **Ҳикматулла Мирзаалиев**,

"O'zshaharsozlik LPT" ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси бошлиғи **Жасурбек Раҳмонов**,

Қашқадарё вилояти Гузор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Соли Олтибоев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Кўп қаватли ва уй-жой фондидан техник фойдаланиш қондаларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбаси бўлим бошлиғи **Абдурауф Сафаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик бош архитектори **Жалғасбай Калбаев**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Ваҳодир Атабаев**,

"Исчиликтаъминоти" АЖ Молия-иқтисод ҳамда молиявий оқимларни таҳлил қилиш ва бошқариш департаменти бош мутахассиси **Азизжон Нуоров**, Корпоратив алоқалар бўлими бош мутахассиси **Қозим Мақсудов**, Қорақалпоғистон Республикаси "Тахиятош исчилик тармоқлари" филиали бўлим бошлиғи **Гулмурат Матқурбанов**, Навоий вилояти Учқудуқ филиали назоратчиси **Малоҳат Исанова**, Зарафшон филиали Насос қурилмалари машинисти **Муаззам Эргашова**, қоровул **Ҳожиқурбон Қосимов**, юк автомобили ҳайдовчиси **Умиджон Убайдуллаев**, Ангрэн шаҳар филиали қоровули **Дилфаруз Пардаева**, уста **Виктор Николаев**, Чирчиқ шаҳар филиали муҳандиси **Мурод Маюсупов**, оператор **Гулчехра Алимнова**, Тошкент филиали филиали Мижозлар билан ишлаш ва савдо бўлими бош мутахассиси **Диёра Зайниддинова**, Тошкент тумани филиали назоратчи-ҳисобга олувчиси **Роза Устаева**, Охангарон шаҳар филиали РК-қозонхона қоровули **Махмуд Арсланов**, Янгийўл шаҳар филиали ИППга хизмат кўрсатиш чилангари **Убайдулла Эшмирзаев**, "Выхогоенергомгаз" хизматчиси **Дилнавоз Садриддинова**, Самарқанд вилояти филиали Булунгур тумани бўлими қозонхона бошлиғи **Шерали Ҳасанов**, Фарғона вилояти филиали моддий ҳисобчиси **Ҳадича Мўминова**, АДС диспетчери **Раҳимжон Жамолдинов**, Хоразм вилояти филиали Тупроққалъа тумани бўлими бошлиғи **Одилбек Адамбоев**,

Тошкент шаҳар Олмазор тумани "Ало сифат та'мир компанияси" БСК МЧЖ раҳбари **Азиз Ҳакимов**, Шайхонтоҳур тумани "Мустаҳкам бунёдкор сервис" БСК МЧЖ раҳбари **Улуғбек Арифжанов**, Яккасарой тумани "GC Kommunal" БСК МЧЖ раҳбари **Аҳмад Нигбаев**, Олмазор тумани "2-Qorasoy-Elite-Kommunal" уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари **Равшан Абдуллаевларни** таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик,  
мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

## ijtimoiy-iqtisodiy gazeta O'zbekiston bunyodkori Строитель Узбекистана

**Тахрир хайъати:**  
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,  
Қосим Тулганов, Юлдаш Мағрулов,  
Ботир Эммурадов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари –  
Райхона Жўраева  
Саҳифаловчи – Акмал Маҳмамов  
Махсусхизмат – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіёт  
уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**"Ўзбекистон бунёдкори"  
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги  
вазирилик  
"ЎзГАШЛИТИ" МЧЖ,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,  
18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29,  
71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги муҳбарлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси:  
90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 241.  
1181 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган кўлемлар тақрир  
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли  
чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.  
**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – 22.30 Топширилди – 22.50.

uzbunyodkor.uz  
info@uzbunyodkor.uz  
uzbunyodkor  
t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkor  
qurilish.today